

Буюк ўзбек йўли

ЗИЁЛИ БИРЛАШСА, МИЛЛАТ БИРЛАШАР



Яқинда мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллигига бағишлаб Республика Маънавият ва маърифат марказида “Маънавият гурунги” ташкил этилди. Тадбирда юртимизнинг кўзга кўринган маданият ва санъат арбоблари, шоир, ёзувчи, журналист ва олимлари қатнашди. Гурунг жуда мароқли, мазмунли ўтди. Зиёлиларимизнинг мамлакат тараққиёти, жамият фаровонлиги, инсон, унинг эркинликлари йўлидаги ислохотлар таҳлилига доир суҳбатлари, айрим масалалар бўйича асосли баҳсларининг бевосита гувоҳи бўлиб, тўғриси, жуда қувондим.

Бундай ижодий суҳбатлар нафақат дийдорлашув тарзида, балки соҳада йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш, тараққиётимизнинг янги, истиқболли йўлларини излаб топишда жуда муҳим. Тарихчи бўлганим учун ана шу йиғиндан сўнг яқин тарихимиз, собиқ мустабид тузуми шароитида ўзбек зиёлиларига нисбатан юритилган сиёсат, ҳар қадамда уларни таъқиб қилишдан иборат муносабатни таҳлил этишга уриндим.

Мустабид тузум маддоҳлари зиёлиларни “душман табақа” сифатида қувғинга олиб, улар фаолиятдан ҳар қадамда “сиёсий-мафкуравий бузғунчилик элементлари”ни қидирди. “Миллийлик”, “миллий ўзлик”, “ўзбек”,

“миллий маданият” каби сўзларни тилга олганлар аста-секин махсус органларнинг “қора рўйхати”га киритилди, кейинчалик қатагон қилинди.

Ҳақиқатни айтганда, мустабид тузум йиллари том маънода миллий зиёлиларимиз учун огир даврлар бўлди. Адолатни исташ, тўғри гапни гапириш, миллий манфаатни ҳимоя қилиш, ҳаттоки аждодлар руҳини шод этиш каби азалий қадриятлар оёқости қилинди. Зиёлилар томонидан яратилган ҳар бир асар шубҳа остига олинди, минг чиғирқдан ўтказилиб, ғоявий-сиёсий андозалар орқали таҳлил этилди.

► Давоми 3-бетда

Бугуннинг гапи

БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида Ўзбекистон сўнгги йилларда тинчликпарварлик, савдо-иқтисодий, халқаро мулоқотлар соҳасида фаол иштирокчига айланганига дунё ҳамжамияти яна бир бор гувоҳ бўлди.

ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК ВА МАЪРИФАТ САРИ

Президентимиз БМТ минбарида туриб: “Янги Ўзбекистон барча давлатлар билан ўзаро ҳамжиҳатлик, очик мулоқот ва яқин шериклик тарафдоридир. Биз халқлар, маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш, умумбашарий мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида ўз ҳиссасини қўшишга доим тайёرمىз”, деди.

Давлатимиз раҳбари эртанги кунимиз, дунёнинг тақдири ва фаровонлиги ўсиб келаётган ёш авлод қўлида экани, фарзандларимизнинг қалби ва онгига тинчлик, гуманизм ҳамда дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат каби олижаноб ғояларни синдириш долзарб вазифалар сирасига киришини таъкидлаб, бу борада жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракатини таъсис этиш ва унинг қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш таклифини илгари сурди.

Шу билан бирга, ислом маърифати ғояларини чуқур ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш бўйича саъй-ҳаракатларимизни фаол давом эттиришимизни қайд этиб, яқин ойларда юртимизда Ислам цивилизацияси маркази очилишини маълум қилди.



Буюк аждодларимиз, мутафаккир алломалар Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Могуриддиннинг бой маънавий ва илмий меросининг алоҳида тақдимотини БМТда ўтказиш режалаштирилгани қувонарли хабар бўлди.

► Давоми 2-бетда

Халқаро ҳамкорлик

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА МЕДИА

БОКУДА II ОЗАРБАЙЖОН — ЎЗБЕКИСТОН МЕДИАФОРУМИ ЎТКАЗИЛДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил августда Озарбайжонга давлат ташрифи доирасидаги олий даражали музокаралар якунида имзоланган “йўл харитаси”га мувофиқ, Бокуда “Рақамли трансформация ва медиа” мавзусидаги II Озарбайжон — Ўзбекистон медиафоруми бўлиб ўтди.



Биринчи медиафорум ўтган йили сентябрь ойида Тошкентда “Рақамли асрда ҳақиқатни излаб: дезинформацияга қарши курашиш” мавзусида ўтказилган эди. Ушунда икки давлат ўртасида медиа соҳасидаги ҳамкорликни қучайтириш, тажриба алмашиш,

рақамли янгиланиш жараёنларига мослашиш, дезинформацияга қарши самарали чоралар қўллаш ва ахборот соҳасида интеллектуал ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинганди.

► Давоми 4-бетда

Муносабат

Одамларнинг ҳаёт сифати ва мазмуни, аввало, маҳаллада истиқомат қилаётган аҳоли кайфияти, кундалик турмуш тарзи ва ўзаро муносабатларида ўз ифодасини топади. Президентимиз ҳудудларга ташрифи чоғида, албатта, маҳаллаларда ҳам бўлишининг сабабларидан бири шунда.

Янги Ўзбекистонда ислохотлар бошланганда, Наманган вилоятдаги энг оғриқли муаммолардан бири аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масаласи эди. Чунки бу ҳудудда Тошкент, Навоий ёки Қашқадарёдаги каби йирик саноат тармоқлари шаклланмаган, асосий салоҳият эса тадбиркорликка таянган. Шу боис, драйвер соҳа сифатида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилди. Бу танлов тасодифий эмасди. Меҳнатсеварлик, тадбиркорлик, хунарамандлик наманганликларнинг қон-қонига сингиб кетган, уларнинг турмуш тарзи ва менталитетига мос. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бутун вилоятдаги ижобий ўзгаришлар, янги ишга тушган корхоналарни кўрган киши Наманганда тўғри йўл танланганига яна бир марта амин бўлади.

Ҳақиқатан, қисқа вақт ичида қатта-қатта натижалар кўзга ташланади, камбағаллик даражаси 2,5 баробар камайди, сўнгги саккиз йилда ҳудудга

Бу одат Шокир отада бутун пайдо бўлгани йўқ. Олийгоҳни тамомлаб, ҳисобчи бўлиб иш бошлагандан буён аҳвол шу. Қирқ йил шу соҳада меҳнат қилди. Мана, пенсияга чиққанига ҳам ўн йилча бўлди. Хануз ҳисобда адашмасликка интилади. Пенсия олса, ҳар бир сўмини чамалаб тақсимлайди. Ҳисобни йўқотмай, харажат қилишга уринади. Лекин уч-тўрт ойдирки, пенсия пули ой охирига тугаб қоляпти. Савил, гўштининг нархи кўтарилди-ю, пулидан барака қочгандай бўлди. Қанча тежамкорлик қилмасин, фойдаси бўлмапти. Шу пайт ёнидагилар гўштининг нархи ҳақда гап очгани хаёлини бўлди. Диққатини гурунгга қаратди.

— Тунов куни бозорга тушгандим. Қўй гўшти олмоқчи эдим. Нарҳини эшитиб, ҳайрон қолдим. Килоси 80 минг сўм экан. Нега бунча арзонлигини сўрасам, “Бошқа давлатдан олиб келинган”, дейишди. Олишга иккиландим, — дея оқсоқол атрофига қараб, изох сўраган бўлди.

► Давоми 4-бетда

ҲАР ДОИМ ХАЛҚ ОРАСИДА, ҲАР ДОИМ ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС!



7 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этилди. 8 мингга яқин янги корхона ишга тушди, экспорт маҳсулотлари тури 2 қарра ошди. Аҳолининг ўртача даромади 3 баробар ўсди, меҳнатга лаёқатли

аҳолининг 82 фоизи тадбиркорлик орқали даромад топтоқда.

Бу рақамлар Наманганнинг янги тараққиёт босқичига қадам қўйганини англатади. Вилоятда тадбиркорлик нафақат иқти-



содий юксалиш, балки ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ижобий ўзгаришларни таъминловчи асосий ҳаракатлантирувчи кучга айланди.

► Давоми 2-бетда

Чорвачилик

УЧ ЙИЛДА ЮЗ МИНГ БОШГА ЕТАДИ

ҚАШҚАДАРЁЛИК ФЕРМЕРЛАР МЎҒУЛИСТОНДАН КЎПРОҚ ҚЎЙ ОЛИБ КЕЛИБ, ТЕЗРОҚ КЎПАЙТИРМОҚЧИ

Ҳар кунги одатини қанда қилмаган Шокир ота гузарга йўл оларкан, нимадир ёдидан кўтарилгандек бўлди. Ортига қайтди. Дарвозага етгунига қадар ҳам эслай олмади. Бир оз тўхтади. “Қарилик курсин. Ҳа-я...”, дея юзи ёришди. Ичкарига кириб, тез қайтиб чиқаркан, ўзича нималарнидир ҳисоблар эди. Бу ҳолат маҳалла гузарига етгунича давом этди. У ерда уч-тўрт тенгқури суҳбат қуриб ўтирган экан. Саломлашиб, бир четга жойлашди. Хаёли эса бошқа ёқда эди.

► Давоми 4-бетда

Дил изҳори



ҒУРУРЛАНДИМ, ҲАВАС ҚИЛДИМ

6

БОКУДА II ОЗАРБАЙЖОН — ЎЗБЕКИСТОН МЕДИАФОРУМИ ЎТКАЗИЛДИ



Халқаро ҳамкорлик

Бошланиши 1-бетда

Боку шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи медиафорум кун тартибидан рақамлаштириш шарафига оммавий ахборот воситаларининг роли, шунингдек, рақамли даврда медиаҳамкорлик ва ахборот хавфсизлиги, дезинформация тарқалишига қарши курашишнинг самарали стратегияларига оид муҳим масалалар ўрин олди.

Иштирокчилар Ўзбекистон ва Озарбайжон оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик имкониятларини муҳокама қилди. Бу икки мамлакатда ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва журналистика сифатини ошириш имконини беради.

— Бугунги рақамли давр ахборот алмашинуви, янгилик ва хабар тарқатиш ҳамда коммуникация жараёнини тубдан ўзгартириб юборди, — дейди Ўзбекистон Журналистлар уюشمаси раиси вази-фасини бажарувчи Холмурод Салимов. — Қолаверса, янги хавфларни юзга келтириш борабар-рида қатор имкониятлар ҳам яратди. Интернет ва рақамли технологиялар ахборот манбани кенгайтириш борабариди унинг сифати, хавфсизлиги ва

таъсирини ҳам янги босқичга олиб чиқди. Ахборот алмашинуви суръати ошгани сари жараёнини назорат қилиш, муайян хабарнинг асосли ёки асоссизлигини аниқлаш қийинлашиб борапти. Бугун ахборот фақат маълумот ёки хабар эмас, балки у энди таъсир, назорат, ҳатто қурол вази-фасини ўтаётган. Шунинг учун ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш барчамизнинг умумий ман-фаатимиздир.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашда сунъий интеллект муҳим ўрин тутмоқда. Шу боис, сунъий интеллект асосида ишлайдиган тизимлар тармоқлардаги шубҳали фаолиятни аниқлаб, автоматик таҳлил қилиши мумкин.

Таъкидланганидек, рақамли давр ахборот майдонидаги улкан трансформацияларни вужуд-га келтирди. Ушбу жараёнда медиаҳамкорлик ва ахборот хавфсизлиги бир-бири билан узвий боғлиқ. Ҳар бир давлат ва жамият рақамли воситалардан оқилона фойдаланган ҳолда ахборот майдонида фаол ва масъул иштирокчига айла-ниши лозим. Шундагина рақамли имкониятлар барқарор ривожланиш ва халқаро ҳамжиҳатлик-ка хизмат қилади.

— XXI асрда медиасаводхонлик ҳашамат ёки ихтиёрий кўникама эмас, балки ҳар бир фу-қаро учун зарур асосий хусусиятидир, — дейди ЎзЖОКУ проректори Нозима Муродова. — Бў-лажақ журналистлар учун бу энди етарли эмас. Уларга янги компетенциялар — рақамли восита-лар билан ишлаш, катта маълумотларни таҳлил қилиш, ахборий шовқин шариотида фактларни текшириш қобилияти керак. Шу билан бирга, улар ахлоқий тамойил ва инсонпарварлик қад-риятларини етказувчилар бўлиб қолиши зарур. Қолаверса, журналистика таълими билан бир қа-торда тадқиқотлар ҳам алоҳида аҳамият касб эт-моқда. Бутун алгоритмлар, ижтимоий тармоқлар ва сунъий интеллектнинг ахборот экотизимига таъсирини ўрганмай туриб, сифатли журналисти-ка ҳақида гапириш мумкин эмас. Тадқиқотларни эса яқка ўтказиб бўлмайди. У халқаро ҳамкорлик-ни талаб қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида медиатаълим ва тадқиқот соҳасидаги ҳамкорлик янги уфқларни очмоқда. Қўшма лабораториялар, академик алмашинувлар, талабалар ҳамда ёш олимлар учун мўлжалланган дастурлар шулар жумласидан.

Аҳолини дезинформация хавфидан ҳи-моя қилиш учун қатор самарали воситалар мавжуд. Улар орасида жамиятнинг таълим даражаси ва медиасаводхонлигини ошириш алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун рақамли кўникмалар кўплаб медиатизимлар ва жа-моат ташкилотлари томонидан муваффақият-ли қўлланмоқда.

Сўнгги йилларда медиа соҳасида давлат қў-ллаб-қувватлови билан жиддий ислохотлар амал-га оширилди. Ўзбекистон ва Озарбайжон журна-листлари ҳамкорликда дезинформацияга қарши самарали механизмларни ишлаб чиқмоқда. Бу нафақат икки давлат, балки бутун минтақа учун намуна бўлиши мумкин.

Мазкур форум икки давлатнинг медиа соҳа-сида ҳамкорликни кучайтириш, тажриба алма-шиш, рақамли янгиланиш жараёнларига мосла-шиш, дезинформацияга қарши самарали чоралар кўриш ва ахборот соҳасида интеллектуал ҳам-корликни ривожлантириш масалаларига хизмат қилади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Фавкулудда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институтида соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда йўналишга доир илмий тадқиқотлар ўтказиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, институтнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида самарали ишлар қилинди.

Жумладан, фавкулудда вазиятларда аҳоли хавфсизлиги мутахассислиги бўйича магистр даражасига эга бўлган олий маълумотли, юко-ри малакали кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Бугун институтнинг магистратура босқичини тамомлаган мутахассислар Қорақал-поғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳудудий комиссияла-ри, вазирликлар, компаниялар, банклар ва олий таълим муассасаларида муваффақиятли фао-лият юритмоқда.

ОТМда республика, вилоят, туман миқёсида-ги ташкилотлар раҳбарлари ва масъул мутахас-сислари, шунингдек, туман ҳамда шаҳар ҳоким-лари ва ўринбосарларининг фуқаро муҳофазаси ҳамда сафарбарлиги тайёрларлиги йўналишида малакасини ошириш, кичик ҳажмли кема ҳай-довчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ма-лакасини ошириш курсларида ўқитиш йўлга қўйилган.

Айни пайтда ногиронлиги бор фуқароларни фавкулудда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга тайёрлаш цикли томонидан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва Ногиронларни ҳимоя қи-

лиш миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда инклюзив таълим муассасалари учун фавкулуд-да вазиятларда тўғри ҳаракатланишга оид ўқув дастурлари ва қўлланмалар ишлаб чиқилиб, ет-казиб берилди.

Фуқаро муҳофазаси институтида фавкулуд-да вазиятларда симуляция қилиш маркази ало-ҳида аҳамиятга эга. Марказдан зилзила тарихи музейи, виртуал тарзда фавкулудда вазиятларда ҳаракатланишга мўлжалланган ўқув хонаси, бил-лим-ларини синаш, релаксация, зилзила симуля-тор-тренажёр, алоқа ва хабар бериш, ёнгин хавф-сизлиги хоналари ўрин олган.

Институт профессор-ўқитувчилари фуқаро муҳофазаси соҳасида кадрлар малакасини оши-риш ва аҳолини фавкулудда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга тайёрлаш учун жаҳон андозала-рига мос миллий таълим платформасини ишлаб чиққан. Ўқув курсларига жалб қилинган тинг-ловчилар мазкур онлайн платформа орқали ма-софадан ўқитилишди.

Айни пайтда институтда икки академик, икки фан доктори ва профессорлар, ўнлаб фан номзодлари, фалсафа докторлари, шунингдек, ёш илмий тадқиқотчилар фаолият юритмоқда.

Ўтган йилларда ОТМ профессор-ўқитувчилари соҳага оид 500 га яқин ўқув-илмий адабиётлар, жумладан, дарслик, монография, ўқув-услубий қўлланма ҳамда бир қанча тарғибот материалла-рини тайёрлади.

Шу билан бирга, институтда илмий-иннова-цион соҳа бўйича ҳам самарали ишлар бошлан-ган. Жумладан, ўтган йилларда аҳолини офатлар даврида тўғри ҳаракатланишга ўргатувчи “Зил-зила вақтида ҳаракат қилиш” ҳамда “Фавкулудда вазиятларда ҳаракат қилиш” мобил иловалари яратилиб, ишга туширилди. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар айни пайтда ҳам изчил давом этти-рилмоқда.

Ҳамкорлик институт фаолиятининг муҳим жиҳатларидан. Шу боис, ОТМ 30 га яқин маҳал-лий ва хорижий олий таълим ҳамда илмий-тад-қиқот муассасалари, жумладан, Россия ва Бела-руснинг турдош олийгоҳлари билан ҳамкорлик қилиб келади.

Шу маънода, Фуқаро муҳофазаси институти аҳоли ва ҳудудларни фавкулудда вазиятлардан муҳофиза қилиш соҳасида таълим, илм-фан ва инновациялар йўналишидаги ютуқларни ўзида мужассам этган олий таълим муассасаси сифати-да ўз ўрни ва мавқеига эга.

Жумадулла САГАТОВ,
Фуқаро муҳофазаси институти
доценти

Навоий вилоятида пахтани замонавий ёндашувлар асосида етиштириш йўлига қўйилди. Қўлга олинган ҳосилдорлик ўртача 70-80 центнер баҳоланмоқда. Мухими, янги пахта навлари вилоят иқлимига тўлиқ мослаштирилди. Шўр тупроққа қарамай, гўза кўчатлари соғлом ва серҳосил ўсди.

Бу йилги теримда пахтани машинада те-ришга кўпроқ эътибор қаратилляпти, аста-се-кин қўл меҳнатига барҳам берилмоқда. На-воийлик фермерларнинг иш унумдорлигини ошириш мақсадида ўтган йили вилоятга 53 та пахта териш машинаси келтирилган эди. Шу боис, мавсум олдидан чигит машинада териб олишга мослаб экилди.

Жорий йилда Навоий вилоятига имтиёз-ли кредит асосида 20 та пахта териш маши-наси ажратилди. Шу билан бирга, юқори унумли замонавий 34 та пахта териш маши-наси олиб келинди. Албатта, соҳага замона-вий техника кириб келиши малакали меха-низаторлар тайёрлашни ҳам тақозо этади. Шу мақсадда мавсум олдида ўқув курслари ташкил этилди.

ПАХТА ДАЛАЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ҚЎЛ МЕҲНАТИГА БАРҲАМ БЕРМОҚДА

— Айни вақтда Навоий вилояти пахта далаларида машиналаримизнинг ишла-шини назорат қилиб турибмиз, — дейди хитойлик мутахассис Гу Юан. — Ўқув жа-раёнида маҳаллий механизаторларга те-хникамизни яхшироқ таништирдик. Далада амалий машғулотлар ўтдик. Ҳозир улар машиналарни бемалол бошқаряпти. Бу техника воситалари тезлиги, юқори сама-радорлиги ва ёқилги тежамкорлиги билан ажралиб туради.

Ҳозир Навбахор туманидаги пахта дала-ларида иш қизиган. Ушбу мавсумда ҳудудда 5866 гектарда пахта етиштирилди. Фермер хўжаликлари бу йил янги навларни синов-дан ўтказди. Жараёнга агроном ва уруғчилик билан шуғулланувчи мутахассислар жалб қи-линди ва натижалар қутилганидан ҳам аъло бўлмоқда.



— Жорий йилда туманимиздаги пахта дала-ларига гўзанинг хорижий ва маҳаллий навлари экилди, — дейди Навбахор тумани

УЧ ЙИЛДА ЮЗ МИНГ БОШГА ЕТАДИ

ҚАШҚАДАРЁЛИК ФЕРМЕРЛАР МЎЎУЛИСТОНДАН КЎПРОҚ ҚЎЙ ОЛИБ КЕЛИБ, ТЕЗРОҚ КЎПАЙТИРМОҚЧИ

“Соҳа мутахассисларининг маълумотига кўра, ҳозир Қашқадарё вилоятда 1263 та қорамолчилик, 573 та қўй-эчкичилик, 12 та йилкичилик, 6 та туячилик, 146 та паррандачилик, 351 та балиқчилик, 27 та асаларичилик, 15 та қўёнчилик хўжалиги фаолият юритмоқда.

Бошланиши 1-бетда

— Нимасига иккиландингиз? Арзон сотилса, сифатсиз бўлади! Қўй гўшти бўлса, олавермайсизми, — дея танбеҳ берган бўлди суҳбатдошларидан бири. — Э, бинойидек эди. Фақат шу... — “Шу” дейшингиз нимаси, оқ-соқол? Кеча ошхонада тушлик қилиб, таомнинг мазасини мактаб чиқдингиз. Қолаверса, ҳалигина қўшниникида ейил-

фир, қаймоқ, пишлоқ каби кўплаб сут маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилляпти.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 17 июлдаги “Мўғулистонга олий даража-даги ташири довомида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида эришилган ке-лишувларни амалга ошириш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида яқинда мазкур фермер хўжалигига минг бош зотли қўй олиб келинди.



ган ошнинг гўшти ҳам шундан эди. Ана, Баҳодир фермернинг даласига борсангиз, чет элдан олиб келинган бир сурув қўй юрибди. Президентимиз барака топсин, Мўғулистонга борганида кўп яхши шарт-номалар тузиб келди. Шулардан бири гўшт, қўй олиб келиш тўғрисида бўлган экан. Тадбиркорлар энди осон бўлди, деб Мўғулистондан гўшт билан қўйни босиб олиб келяпти.

— Шундай денг. Ўша гўшдан шунча еб, ҳеч фарқини сезмабман. Энди мен ҳам шундан олганим бўлсин. Бу ёқда жайдари қўйнинг бир килограмм гўшти 150 минг сўмдан сотилиб ётибди. Шу пулга икки кило бераркан, — дея оқсоқол мамнун бўлди.

Бу гапни эшитиб, кекса ҳисобчи йў-қотган нарсасини топгандай бўлди. Бир-дан чехраси ёришди. Шошганча бозорга йўл олди. Энди барчаси жойида бўлди. Қассобга бориб, гўшт олди. Ҳақиқатан, нархи арзон экан. Яна қўй гўшти...

Ховлига кириб келганида қўлдаги елимхалта хийла оғир эди. Лекин отанинг елкасидagi юк енгиллашганди. Қўлга эски чўтти олиб, доналарини ҳар тарафга сурди, қайтарди. Якуний натижадан юз-га табассум югурди...

Баҳодир Рустамов Китоб туманида бир неча йилдан буён фермер сифатида фаолият юритади. Чорвачиликда яхши-гина тажрибага эга. Дастлаб маҳаллий қорамолларни кўпайтирди. Кейинча-лик бошқа мамлакатлардан ҳам зотдор молларни олиб келиб, бўрдоқчиликни йўлга қўйди. Шунинг эвазига фермер Китоб, Яккабоғ, Шахрисабз туманлари бозорини ҳам гўшт билан таъминляпти. Ҳозир унинг “Шарипов Ҳамрокул” фермер хўжалигида 150 бош қорамол боқилляпти. Хорижлик ҳамкорлари кў-магида гўшт импортини ҳам йўлга қўй-ган. Бундан ташқари, сутни қайта иш-лаб корхонаси ҳам бор. Бу ерда ойдаги 100 тоннадан ортиқ сут қайта ишлан-моқда. Натижада сифатли ва арзон ке-

— Президентимиз ташаббуси билан халқаро алоқалар йўлга қўйилгани чор-вачилик йўналишидаги фермерлар учун катта имконият бўлди. Жумладан, тад-биркорларга импорт борасида транспорт харажатиининг 50 фоизи қўлаб берил-япти. Солиқ имтиёзлари белгиланган. Бундай қўлайликдан фойдаланмай бўла-димиз? Қолаверса, бозорларимиз қанча тўқин бўлса, шунча яхши, — дейди Ба-ҳодир Рустамов. — Мўғулистонга бор-дим. У ердаги фермерлар билан яқиндан танишдик. Иш тажрибасини ўргандик. 10 минг бош қўй сотиб олиш учун шартнома туздим. Ҳозир 1000 таси олиб келинди. Тез орада яна шунча келтирамиз. Мақ-садимиз — қўйни кўпайтириш. Бунга етарлича шароитимиз бор. Фақат ййлов ажратилса, бўлди. Ўрганишларимизга кўра, импорт қилинган қўйларнинг ак-сарияти икки-учтагача эгиз кўзи беради. Шу сабаб бу қўйларни уч йилда 100 минг бошга етказишни ният қилдик. Бундан ташқари, тайёр гўшт олиб келишни ҳам мақсад қилганмиз. Қуни кеча 19 минг тонна гўшт сотиб олиш учун келишув



Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

техника олиб келинди. Ҳосилни тўлиқ терим машинасида йиғиб олишни режалаштирган-миз. Ушбу янги техника воситалари пахтани жуذا сифатли теради. Аввал 20 кунда қўлда терадиган пахтани улар ёрдамида бир кунда йиғиб олиш имкони бор. Хорижадаги дала-ларда замонавий терим машиналарини қўриб, ҳавас қилардик. Ўйма-уй юриб, теримчи из-лаб сарсон бўлган ва ҳосилимиз совуқ об-ҳа-вога қўлиб кетган қунларимиз ортда қолди. Энди ўзимизда ҳам шундай имкониятга эга техника бор. Бундай қўлайликдан жуذا хур-сандимиз.

Махсус техника воситалари пахта ҳосили-ни бирин-кетин кластернинг қабул пунктига ташиммоқда. Ушбу масканларда ҳам пахта ҳажмини ҳисоб-китоб қилиш бўйича шаф-фод тизим яратилган.

Мухими, бутунги деҳқон ва фермерлар пахта етиштиришдан кўрқмаятипти, аксинча, тармок йил сайин сердаромад йўналишига ай-ланиб, аграр соҳадаги тадбиркорлар, пахта-гў-қимачиликка ихтисослашгаётган фермер хўжа-ликлари сони ортиб бормоқда. Терим жараёни механизациялаштириляётгани сабаб мавсум самарали ва баракали бўлмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



СЎЗ ВА АМАЛ БИРЛИГИ

ЁШЛАР УЧУН ОЛИЙ ИБРАТ МАКТАБИДИР

Шохрух ҚўЧҚОРОВ,
“Туронбанк” АТБ бошқаруви
раисининг матбуот котиби

Президентимизнинг АҚШга амалий таширини йил ташири, дейиш мумкин. Бу — таширф манзили айнан АҚШ бўлгани учун эмас, балки 38 миллион нуфусли ўзбекистонликларга катта манфаат олиб келадиган воқеаларга боғ бўлгани учун. Қандай манфаат, бизга қанақа фойдали жиҳатлари бор дейсизми?



Биринчидан, давлатимиз раҳбари 22 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида нуфузли делегациялар раҳбарлари, халқаро таъкилотлар ва АҚШнинг йирик компаниялари етакчилари билан 20 га яқин учрашув ўтказди. Тасаввур қилингани: бир кечанинг ўзидан 20 га яқин мулоқот! Вақт ва жисмоний имконият нуктаи назаридан илжосиздек кўринган ушбу учрашувларнинг ҳар бирида, албатта, ҳамкорликни ривожлантириш, инвестицияларни кўпайтиришга доир муҳим келишувларга эришилди. Бу — янги корхоналар, даромадли ва муҳим янги иш ўринлари, сизу биз учун имконият дегани.

заифлашмоқда, қарама-қаршилик, низо ва урушлар кучаймоқда, технологик ва ижтимоий тенгсизлик кескин ошмоқда, иқтисодий ва гуманитар инқирозлар ортиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси мутлақо янги, хавотирли геосиёсий воқеаликни вужудга келтирмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиздаги ислохотлар, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш, гендер тенглик ва ижтимоий фаровонлик соҳаларидаги ютуқлар биз, ёшларни янада фаол ва масъулиятли бўлишга ундайди. Зеро, устувор мақсадимиз мамлакатимизда яшаётган ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартириш,



Иккинчидан, Президентимиз БМТ Бош Ассамблеяси 80-сессиясида янги Ўзбекистоннинг сўзи ва амали бирлигини бутун дунёга кўрсатди. Яъни давлатимиз раҳбари бундан 8 йил олдин ўша юксак минбарда Марказий Осиёни тинчлик, аҳли қўшничилик ва шериклик маконига айлантиришга қатъий қарор қилинганини эълон қилган эди. Ўша пайтда минтақамиздаги вазиятдан келиб чиқиб, кимдир ишонди ёки ишонмади, буниси бизга қоронғи, лекин бу ишнинг амалга ошишига шубҳа билан қараганлар кўп эди, назаримда.

Ҳа, мантиқан ҳам бу иш жуда қийин эди. Лекин Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси, оқилона ташқи сиёсати эвазига қўзланган мақсадга эришилди. Давлатимиз раҳбари БМТ юксак минбарига туриб таъкидлаганидек, “Биз бу стратегик мақсадга эришдик. Ёпиқ чегаралар, ҳал этилмаган баҳс ва низолар даври тарихда қолди”.

Бунинг тотли меваси, имкониятларидан минтақамизнинг миллионлаб аҳолиси, ўзбекистонликлар ҳам баҳраманд бўляпти, албатта.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати ҳам бор: Президентимиз БМТ минбаридан туриб, халқаро жамоатчиликка бир муаммон хал қиламиз деди ва орадан 8 йил ўтиб, ўша юксак минбарда масала ҳал бўлганини айтди. Бу сўз ва амал бирлигидир.

Бугунги ўзаро ишонч инқироzi кузатилаётган бир пайтда янги Ўзбекистоннинг сўзи ва амали бирлиги бутун дунёга ўзига хос сигнал бўлади: янги Ўзбекистон ишончли дўст, ҳамкор. Ўз навбатида, ўзаро ҳамкорлик, инвестиция каби миллий тараққиётимиз билан боғлиқ масалаларда устуворлик беради.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг нутқи биз, ёшлар учун катта илҳом манбаи бўлди. Дунё миқёсидаги мураккаб геосиёсий вазиятда Ўзбекистоннинг тинчлик, ҳамжиҳатлик ва адолатга асосланган ташқи сиёсатга содиқлиги бизни жуда-жуда фахрлантирди.

Нутқда қайд этилганидек, ҳозир халқаро институтларнинг ўрни ва роли

инсон қадри ва фаровонлигини ошириш экан, бунга барчамиз бирдек масъулимиз.

Умуман олганда, Президентимизнинг ушбу нутқи биз, ёшларга катта ишонч, келажакда янада юксак марраларга эришиш учун куч-қувват беради.



ЧИҒАТОЙ УЛУСИНING ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ПАРЧАЛАНИШИ

XIII асрдаги мўғул истилоси шу давр кишилари ҳамда уларнинг авлоди шуурига жуда қаттиқ таъсир ўтказди. Натижада мўғул халқи ва тарихини ўрганиш деярли истило билан бир пайтнинг ўзидан бошланиб кетди. Кутилмаган фожиага йўлиққан Осиё ва Шарқий Европа мамлакатлари халқлари — араб, форс, рус, арман, грузин, поляк, хитой, венгер, немис тилларида мўғуллар юриши, жанг қилиш усуллари, қўшини тузилиши, одамларни шафқатсиз ва оммавий қирishi, вайрон этилган шаҳар ҳамда қишлоқлар, бузиб ташланган каналлар, боғ-роғлар ҳақида афсус билан кўплаб маълумотлар ёзиб қолдирилди. Истилодан сўнг ўрнатилган мўғуллар бошқарув тизими, уларнинг дунёқараши, турмуш тарзи хусусида ҳам муфассал хотиралар ҳамда ҳикоялар қайд этилди.

Мазкур манбаларнинг ўзига хослиги шундаки, забт этилган мамлакатларнинг бу мавзуда ёзган барча муаллифлари ҳамда уларнинг авлодлари ўзи гувоҳ бўлиб ёки ота-боболаридан эшитганлари ҳақида ҳикоя қилар экан, мўғул истилосини халқлар қисматидаги буюк мусибат сифатида баҳолаган. Ҳолбуки, муаллифларнинг баъзилари шароит тақозоси билан мўғуллар хизматида юрган ва кўп ҳодисалар гувоҳи бўлган. Масалан, араб тилидаги Абул Фазл ибн Муҳаммад Жамолддин ал-Қаршийнинг “Ал-мулҳақот бис сурах” (“Суроҳ лугатиға иловалар”) ва форс тилида битилган Жувайнийнинг “Тарихи Жаҳонгушо” (“Жаҳон фотиҳи тарихи”), Фазлulloҳ Рашидиддиннинг “Жоме ат-таворих” (“Солномалар тўплами”), “Шуаби панжтона” (“Насабнома”), “Насабно-маи мулук” (“Подшоҳлар шажраси”), Абдуллоҳ Вассофнинг “Тарихи Вассоф” (“Вассоф тарихи”) каби асарлари ўша давр ҳақида тўлиқ маълумот беради.

Муҳаммад Жамолддин Қаршийнинг маълумотиға кўра, Чингизхоннинг Мовароуннахрга хужуми 1219-1220 йилларда рўй берган. Муаррих бунга сабаб Олмалик хони Тўғрулхон (Бузархон) ва найманлар йўлбошчиси Кучулхон Сағзий ўртасидаги адоват эканини айтиди ва ушбу бахона Хоразмшоҳлар томон юришларини режалаштиради. Олмалик ҳозирги Гулжа ва Хитойнинг шимоли-ғарбидидаги Или дарёси қирғоғида жойлашган Еттисувадиги шаҳар бўлган. Бу шаҳар Олтин Урдадан Марказий Осиё, Мўғулистон ва Хитойга олиб борадиган қарвон йўлидаги муҳим савдо маркази эди.

Муаррихнинг баёнига кўра, мўғуллар қатл ва зуравонлик йўли билан Хоразмшоҳлар сулоласига ҳужум қилиб ҳижрий 617 йилнинг муҳаррам ойи (1220 йил март-апрель)да Мовароуннахрни, 618 йил муҳаррам ойининг 9-санаси (1221 йил февраль-март)да Марвни, ўша йили сафар ойи (1221 йил март-апрель)да Хоразми, сафар ойининг 16-санаси (1221 йил 10 апрель)да Ҳиротни, жумодус сонийнинг 8-санаси (1221 йил июль-август)да Ғазнани эгаллади. Бунда кўп шаҳарлар икки-уч ва ундан кўп ой давомида қамалга дош берган, аммо охи-роқибат мағлуб бўлган.

Чингизхон Хуросондан қайтгач, 624 йил рамазон ойининг 10-санаси (1227 йил 24 август) да 72 ёшида вафот этди.



Улуснинг пайдо бўлиши

Забт этилган ҳудудлар Чингизхон ҳаётлигидаёқ тўрт улусга бўлинган ва ўғиллариға тақсимлаб берилган. Тўнғич ўғли Жўжига, анқироғи, унинг фарзанди Ботуга Иртиш дарёсидан ғарбдаги ерлар топширилди. Бонси, Жўжи (Туши) отасидан олдинроқ — ҳижрий 622 (1225) йилда вафот этган. Хоразмнинг шимоли ва Сирдарёнинг қўйи оқими ҳам Жўжи улусига кирган.

Ўқтойға эса Олтой ва Тарбағатой теккан, кенжа Тули эса отасининг асл юртини, яъни Мўғулистон, Жанубий Сибирни олган.

Чигатойға келсак, унга Мовароуннахр, Қашқар, Бадахшон ва Балх вилоятлари берилган ҳамда оталиқ этиб Қоражар нўён тайинланган. Чигатой Қоражар нўён (Амир Қоражар) маслаҳати ва роилизисиз ҳеч бир ишга қўл урмаган. Рашидиддиннинг маълумотиға кўра, Чингизхон вафотидан сўнг Чигатойға 4000 аскар берилган. Уларнинг бошчилигида, Ўз навбатида, барлос (Қоражар нўён), жалоийр (Мука нўён), қавчин ва орлот қабилаларидан бўлган. Ибн Арабшоҳнинг маълумотиға кўра, қавчинлар Амударё шимоли, Бухоронинг шарқий томонларида, барлослар Қашқадарё воҳасида, орлотлар Афғонистон



ларга ва маҳаллий амалдорларга ёрлиқларни топширган. Уларнинг содиқлигини назорат қилиш учун махсус вакиллари — босқоқлардан фойдаланган. Босқоқларнинг вазифаси амирлар фаолиятини узвий назорат қилишдан иборат эди. Бунда мўғул қонун-қоидаларининг аҳамияти катта бўлган, албатта. Қонунлар ва қоидалар тўплами “Буюк ясо” ёки оддийгина “ясо” деб аталган.

“Буюк ясо” Чингизхон тузуги (қонуни)нинг номи бўлиб, ривоятларға кўра, у 1206 йилда умуммўғул қурултойида эълон қилинган ва унга Чингизхоннинг ворислари қатъий амал қилган. Бизгача на мўғулча асл нусхада, на тўлиқ таржимаси етиб келган. Шу бонс, бу ҳақда, асосан, Шарқ манбалари, жумладан, Жувайний, Рашидиддин, Ҳофиз Абрў, Мирхонд, Хондамир, Ибн Баттута, Абул Фараж, Мақризий нормалар ва қонунчиликни ишлаб чиқиш тақозо этилди.



Чигатой улусида қўшма ҳокимият қадриятдан фарқли ўлароқ ҳаёт тарзи тўлиқ ўтrockлашув томон кета бошлади. Еттисув мўғуллари Мовароуннахр чигатойларини ясо, Чингизхон тузуқларидан ўз ўтириганида, қўшманчи турмуш тарзи аънааналарига хиёнатда айбоб, уларни “қаранаслар” (дургаайлар — турли ирқларнинг аралашмаси) деб атаб бошлади. Ўз навбатида, жалоийр ва барлослар Еттисувадиги мўғулларни қолоқ ва қўлоқликда айбоб, “жете”, яъни қароқчилар деб атади.

Чигатой вафотидан сўнг бир неча хон чегарани аниқ белгилаш, кенгайтириш, хусусий эркин бошқарув тизимини шакллантириш, солиқларни ўзлаштириш каби турли сиёсий қарарлар билан ҳудудий мустақиллиқни кўлга киритишга уриниб кўрган. Улусни таъинлас Қора Хулағу бошқарган, аммо Гуюкхоннинг сиёсий нуктаи назари сабабли тахтдан олиниб, ўрнига амакиси Есу Мунке ибн Чигатой хон этиб қўтарилган. Гуюкхон вафотидан сўнг Чигаой Хулағу яна тахтга қайтган. Сўнг фарзанди Муборакшоҳ, Ўркина Хотун, Олгу, Бароқхон, Ниқбой, Буго Темур, Дуваҳон қабилаар ўз даврида ҳар қандай йўл билан бўлса-да улус бошқарувини тўлалигича қўлга олишга уринган.

Сиёсий ҳудудлар бир қисқариб, бир кенгайган. Бироқ Кебекхон ҳукмронлигига қадар сиёсий ҳолат барқарор бўлмаган. Ундан сўнг тахтни иниси Тармаширин бошқарган. Унинг даврига келиб, улусдаги бошқарув бутунлай ўзгариб кетган. Бошқарувда ясо инкор этилиб, ҳокимият маҳаллий принципларга таъинган ҳолда ўзига хос янгича кўринишда идора этилган. Тармашириндан сўнг улус гоҳ Чигатой, гоҳ Ўқтой вакиллари қўлига ўтиб турган. Чигатой улуси сўнгги хони Қозонхонга суяқаси натижа-сида улус инқирозга учраган, давлат шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетган. Кейинчалик Тугулқ Темурнинг мамлакатни бирлаштиришга қаратилган сый-ҳаракати натижа бермаган. Чигатой улусидаги бу каби тўхтовсиз ташқи ва ички урушлар сабаб салтанатнинг Хитой иқтисодиётига қизиқилиш ортган. Ҳиндистон орқали сув айлана йўли очилиши эса Чигатой улусининг иқтисодиётига қаттиқ зарба берган. Бу эса мўғулларнинг Мовароуннахрдаги бошқаруви парчаланишига олиб келган.



Санжар БЕКМУРОДОВ,
Тошкент амалий фанлар
университети катта ўқитувчиси,
эркин тадқиқотчи

6

2025 йил 4 октябрь, 204-сон

www.yuz.uz

yuz.official

yuz.uz_news

Дил изҳори



Шахризода ҲАЗРАТҚУЛОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимизнинг хорижий давлатларга таширфини ҳар сафар диққат билан кузатаман. Таширф давомидаги музокаралар ва уларнинг натижаларидан шу мамлакат фуқароси сифатида қувонаман. Чунки имзоланган ҳужжатлар ва улар асосида мамлакатимизга киритиладиган инвестициялар юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги учун муҳим аҳамият касб этишини яхши биламан. Қолаверса, бу фаровонлик бутун халқимиз қатори менинг ҳам ҳаётим ва тақдиримга ижобий таъсир кўрсатишини чуқур англайман.



ҒУРУРЛАНДИМ, ҲАВАС ҚИЛДИМ

Давлатимиз раҳбарининг АҚШга бу галги таширфи том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бинобарин, таширф давомида эришилган натижалар шу қадар улкан, салмоқлики, бутун дунё ҳавас қилди, десак янглишмаймиз. Бунга АҚШ Президенти Дональд Трамп ҳам Президентимиз билан мулоқот чоғида алоҳида таъкидлади. Хусусан, Uzbekistan Airways билан Boeing корпорацияси ўртасидаги келишувга мувофиқ, Ўзбекистон 8 миллиард доллардан ортиқ маблағ эвазига 22 та Boeing 787 Dreamliner самолётини харид қилишини мамнуният билан қайд этди. Бу АҚШда 35 мингдан зиёд иш ўрни яратиш имконини беришини Truth Social ижтимоий тармоғида ҳам ёзди.

Дарҳақиқат, Президентимиз Нью-Йоркка таширфи давомида АҚШнинг йигирмадан зиёд корпорация ва банклари раҳбарлари билан учрашди. Музокараларда ўзаро ҳамкорлик масалалари ва уларнинг келажаги муҳокама қилинди. Натижада фуқаро авиацияси,





УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

энергетика, инновациялар, тоғ-кон sanoati, кимё, молия ва бошқа кўплаб соҳалар бўйича шартномалар ва истиқболли лойиҳалар шакллантирилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси тадбирлари доирасида Президентимиз қатор хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашди. Учрашуларда ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясидаги нутқида минтақавий ва глобал аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан ниҳоятда муҳим тақлифларни илгари сурди. Бу тақлифлар халқаро ташкилот сессияси қатнашчилари томонидан мамнуният билан қутиб олинди. Бир қарашда мен келтираётган факт ва мисоллар тақдор туюлиши мумкин. Лекин юқорида қайд этганимдек, улар келтирадиган натижа ва самара барчамиз учун манфаатли. Шунинг учун ҳам бу ҳақда фикр билдиришни зарур деб ҳисоблайман. Бинобарин, булар бутун мамлакатимиз аҳолиси қатори мени ҳам жуда қувонтирди. Шундай табаррук заминда туғилганимдан, шундай улут халқининг фарзанди эканимдан қалбим фахр-ифтихор билан тўлиб-тошди.

Ўрни келганда яна бир гапни айтмоқчиман: ўзим АҚШнинг Вебстер университетини битирганман. Шу боис, Президентимизнинг учрашулари ва БМТ Бош Ассамблеяси сессияси ишларини ижтимоий тармоқлар орқали катта қизиқиш билан кузатиб бордим.

Давлатимиз раҳбарининг Нью-Йоркка таширфи сўнггида АҚШда ишлаётган ва истиқомат қилаётган ватандошларимиз ҳамда “Эл-юрт умиди” жағмафарқсининг ушбу мамлакатдаги нуфузли университетларда тахсил олаётган стипендиатлари билан учрашувини кузатиб, жуда қувондим, ҳаяжонландим. Мамлакатимизда ёш авлодга яратилган имконият ва шароитлар туфайли минглаб ўзбек ёшлари хорижий давлатлар университетларида ўқимокда. Биргина АҚШда бутун 500 дан зиёд ўзбек йигит-қизи тахсил олаётгани қандай яхши! Очиги, уларга ҳавасим келди ва таълимнинг магистратура bosқичини АҚШ университетларидан бирида ўқишни ният қилдим.

Янги ЎЗБЕКИСТОН



Мулоҳаза

ДАБДАБАЛИ ТҲЙЛАР:

МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР МЕЗОНИ ҚАЕРДА?

Бир неча ой муқаддам воҳанинг чекка бир қишлоғида камтарона, аммо ниҳоятда файзли тўйда меҳмон бўлдик. У ерда на дабдабали тўйхона, на дабдабали машиналар бор эди. Куёвнинг ҳовлисидида, узум ишқомлари остида ёзилган дастурхон атрофига энг яқин қариндошлар, кўни-қўшнилар жам бўлганди. Дастурхонга ҳам ўн беш хил салат эмас, балки ўзимизнинг миллий таомларимиз, сархил, янги узилган мева-сабзавотлар тортилганди. Ҳеч ким бир-бирининг кийимига ёки тақинчоғига эътибор бермас, аксинча, ҳамманинг диққати ёш келин-куёвга, уларнинг ота-оналарига қаратилган. У ерда ортиқча исрофгарчилик ва сохта такаллуфлардан холи бўлган самимий муҳит ҳукмрон эди. Энг муҳими, ёшларнинг юз-кўзидидаги бахтиёрлик, ота-оналар чехрасидидаги хотиржамлик ҳар қандай ҳашаматдан устун турарди. Ана ўшанда тўйнинг файзи унинг қанчалик қиммат ўтганида эмас, балки қанчалик самимий ва холис ниятлар билан ўтказилганида эканига яна бир бор амин бўлдим.



Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

бошлайди. Натижада “одамлар нима дейди?” деган доимий хавотир остида яшаш ва аслида ўзига тўғри келмайдиган ҳаёт тарзини сунъий равишда кўз-кўз қилиш психологияси шаклланиб боради. Бу иллат, айниқса, аёлларимиз, қизларимиз орасида чуқур илдиш отмоқда. Қиз томонининг сеп йигиш ташвиши бир неча йил аввалдан бошланади. “Қўшнингиз қизига олиб берилган мебель ёки гиламдан кам бўлмаслиги керак”, деган андиша ота-онанинг тинка-мадорини қуритади. Аслида эса қиз болага берилиши керак бўлган энг катта сеп — унинг билими, одоби, ҳунари ва ҳаётга тайёргарлигидир. Зеро, инсоннинг қадр-қиммати унинг қандай тўй қилгани билан эмас, аксинча, маънавияти ва жамиятга келтираётган фойдаси билан ўлчанмоғи лозим.



Учинчи Ренессанс остонасида турган халқ сифатида биз юксак маънавият, теран тафаккур ва бунёдкорлик гоҳларини байроқ қилиб, келажакимиз эгалари бўлган ёшларга моддий бойликдан кўра мустақкам оила, соғлом муҳит ва энг асосийси, тўғри тарбия бериш ҳақида кўпроқ қайғуришимиз даркор. Зеро, миллатнинг эртанги куни унинг бугунги маънавий камолотига бевосита боғлиқ.

оиланинг елкасига оғир юк бўлиб тушади. Тўй-ку ўтади-кетди, аммо ундан мерос қолган катта-катта қарзлар йиллар давомида эр-хотин ўртасидидаги низоларга ва оилавий келишмовчиликларга сабаб бўлиб келади. Наҳотки бахт саройини қарз гишт-тидан қуриб бўлса?!

Бу каби ҳолатлар жамиятимиздаги ижтимоий табақаланишни ҳам янада кучайтирмоқда. Бир томонда мўмай даромад эгалари дабдабали тўйлари билан ўзгаларнинг ҳавасини (балки ҳасадини ҳам) келтираётган бўлса, иккинчи томонда ўртаҳол оилалар уларга етишиш илинжида “оёғини кўр-пасидан ташқарига узатишга” мажбур бўлмоқда. Бундай ҳолат эса жамиятда носоғлом рақобат муҳити шаклланишига ва моддийчилик кайфияти авж олишига олиб келади. Одамлар бир-бирига инсон сифатида эмас, балки ижтимоий мавқеи, молиявий имконияти нуқтан назаридан баҳо бера



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1046.
34751 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Обфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 20:38 Топширилди — 21:50

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz

Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05